

Кўйидагилар кафедра доцентнинг **вазифалари** ҳисобланади:

шахсий иш режасида кўрсатилган барча тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш;

кафедра ўкув жараёнида фаол қатнашиш, уни тўғри ташкил этишда норматив-хукукий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

ўзининг интеллектуал даражаси, илмий малакаси ва қўникмаларини махсус билимлар билан такомиллаштириши ҳамда педагогик маҳоратини доимий равиша ошириш;

ўкув жараёни, методик ва илмий-тадқиқот ишларини режалаштиришда иштирок этиш;

кафедрада ўқитилаётган фанлар бўйича методик материалларни ишлаб чиқиш;

ўкув жараёнида ўқитишининг замонавий интерактив услублари, шакллари ва техник воситаларидан фойдаланиш;

кафедрадаги ўкув-методик воситаларини, заҳираларини такомиллаштиришда иштирок этиш;

шахсан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва унинг натижаларини ўкув жараёнига татбиқ этиш;

кўргазмали очиқ машғулотларни ўтказиш, ўқитувчиларга педагогик маҳорат сирларини мунтазам равиша ўргатиб бориш;

тингловчиларнинг кафедрада ўқитилаётган фанларни ўзлаштириш жараёнига индивидуал ёндашиш, мазкур жараёнга уларнинг шахсий хислатлари таъсирини билиш, уларнинг билимларини объектив баҳолашни ташкил этиш;

ёш ходимларга мураббийлик қилиш;

ўзига бириклирлган хизмат хоналари ва бошқа объектлар, шунингдек кундалик фаолиятда ишлатиладиган техник воситалар ва бошқа моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни яроқли ҳолда сақлашни амалга ошириш.

юридик кадрларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талабларига мувофиқ тузилган ўкув дастурларида белгиланган маъruzalар, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини, амалга ошираётган ислоҳотларни, соҳага оид қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришларни мукаммал билиш, уларни тингловчиларга тушунтира олиш;

tinglovchilarning билимлари, маҳоратлари ва қўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-услубий таъминлашда иштирок этиш;

тегишли мавзулар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, маъruzalар ва бошқа материаллар юзасидан ахборот базасини яратиш;

масофали таълим тизимини ривожлантиришда иштирок этиш;

ўкув дастурларини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўкув жараёнида тингловчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш;

tinglovchilar билан ўзаро муносабатларда ахлоқий ва нутқ маданиятини кўллаш;

хуқуқий тарғибот ишларида, қонун хужжатлари лойихалари экспертизаси ва уларни шарҳлашда иштирок этиш;

кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш юзасидан зарур кўникмаларга эга бўлиш.

Кафедра доценти бевосита кафедра мудирига хисобот беради.